

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖ
«ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ» УК

№ 1 ШАРТНОМА

«01» 01 2022 й.

Қарши шахри

Бундан буён матнда «Минтақавий темир йўл узели» деб юритилувчи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Қарши минтақавий темир йўл узели» УК номидан Низом ва белгиланган ҳуқуқлар асосида ҳаракат қилувчи «Қарши минтақавий темир йўл узели» УК бошлиғи С.А.Норқабилов бир томондан, бундан буён матнда «Мижоз» деб юритилувчи «Навоийчуран» давлат корхонаси номидан лавозимига кўра берилган ҳуқуқлар ва Минтақавий темир йўл узели асосида ҳаракат қилувчи №01-02-01/02/8 С.А.Норқабилов Транспорт бўлими директори Х.Т. Пирназаров иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

- 1.1. Ушбу шартнома темир йўл транспортида ташув жараёнида юзага келадиган қўшимча хизматларни кўрсатиш учун шартномавий тарифни қўллаш тартибини белгилайди.
- 1.2. Станцияда ва юк ҳовлиларида кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўлов миқдорини ва ҳисоблаш тартибини белгилайди (хизматлар рўйхати илова қилинади).

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

«Мижоз» мажбуриятлари:

- 2.1. Мижоз кутилаётган қўшимча темир йўл хизматлари учун 100% олдиндан тўловни амалга оширади.
- 2.2. Қўшимча хизматлар учун олдиндан тўлов миқдори юкларни ташиш учун тўловлар ва рўйхат бўйича қўшимча хизматлар учун тўловларни ҳисобга оладиган ҳисоб-фактурани расмийлаштиришда (беришда) аниқланади. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар темир йўл станциясида берилган ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.3. Олдиндан тўлов қилиш Қарши Технологик Марказининг "ТИФ Миллий банк" АЖ Қашқадарё вилоят филиали, МФО 00150, ИИН 201051951, ОКОНХ 51111, № 20210000500600315291 ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4. Темир йўл хизматлари учун тўловларни ўз вақтида тўламаганлиги ва дебитор қарздорлик вужудга келган тақдирда, мижоз темир йўлга тўловларни кечиктирган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, аммо пеня дебитор қарзи миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги керак. Жарима фоизлари юк ортиш, тушириш ишлари амалга оширилгандан ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари берилган вақтдан 90 кун муддат ўтгандан сўнг ҳисоблаб чиқилади.

«Минтақавий темир йўл узели» мажбуриятлари:

- 2.5. Ушбу шартномага илова қилинган рўйхат бўйича харажатлар калкуляциясида назарда тутилган қўшимча хизматлар ва қўшимча қиймат солиғи билан ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.
- 2.6. Мижоз томонидан темир йўл хизматлари учун тўлов амалга оширилиб, лекин темир йўл хизматларидан фойдаланмаган ҳолатда, амалга оширилган тўлов кейинги темир йўл хизматлари бажарилганда ҳисоб-китоб қилиб борилади.

III. НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 3.1. Ушбу шартнома ижросидан келиб чиқадиган низолар музокара йўли билан ҳал этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси темир йўл Низомида белгиланган тартибда ҳал этилади.
- 3.2. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган барча масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси темир йўл Низоми ва тегишли Қонун ва қоидаларга амал қиладилар.
- 3.3. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариши жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, томонларнинг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Темир йўл транспорти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти тўғрисидаги Низоми, Ҳалқаро юк ташиш шартномаси (СМГС) ва бошқа қоидалар билан тартибга солинади.

IV. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ.

- 4.1. Шартнома ҳар бир томон учун биттадан 2 нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.
- 4.2. Ушбу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади. Агар томонлар ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида мувожаат қилмаса, у ҳолда келгуси йилга узайтирилган ҳисобланади. Бунда томонларнинг барча бажарилмаган мажбуриятлари, маблағ қолдиғи, шунингдек ушбу шартнома бўйича яқунланмаган ўзаро ҳисоб-китоблар кейинги йилга ўтказилади.
- 4.3. Ушбу шартнома томонлардан бирининг ёзма аризаси билан бекор қилиниши мумкин, бунда бошқа томон кутилаётган бекор қилиш санаси тўғрисида 30 кундан кечиктирмасдан хабардор қилинади.

Юк ортиш, тушириш ишлари Ч.Сулҳон, Қ.Сулҳон, Зафарбаев, Т.Қўшиқ станцияларда амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Минтақавий темир йўл узели»

«Қарши МТУ» УК
Қарши шахри И. Каримов кўчаси - 8
х/р 2021 0000 5006 0031 5291
"ТИФ Миллий банк" АЖ Қашқадарё вил. ф-л
МФО: 00150 ИНН: 201 051 951

Норқабилов С.А.
(имзо)

МТУХ _____, МТУМД _____

250,000,000 сум

«Мижоз»

«Навоийчуран» давлат корхонаси
Манзил Навоий вил. Навоий шаҳар Инспектор к. 7-йў
х/р 9021 8000 9003 0562 9001
Банк ТМБ Ўз миллий банк Навоий вил.
МФО 00196 ИНН 201204514
Тел +99893 521-72-73

Пирназаров Х.Т.
(имво) (Фамилия)

Ишр. 31.12.2022 й. Пирназаров З.Н. 17.01.22